



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz

https://www.facebook.com/zarnews.uz

@zarnews_uz

https://twitter.com/zarnews_uz



Афсуски, бугун аҳолида, ҳатто айрим раҳбарларда ҳам шундай тушунча шаклланди. Ҳоким хабардор бўлган ёки ҳокимга айтилган мурожаат белгиланган вақтда ечим топаётгани, яъни ортидан сўраб турилгани сабаб дарди бор инсон ҳамма масалани биринчи раҳбарга айтишни истайди. Қабулни кутади.

МУАММО ҲОКИМГА АЙТИЛСА, ҲАЛ БЎЛАДИ (МИ?)

Ўтган йил вилоят ҳокимининг Иштихон туманидаги маҳаллалардан бирида ўтказган сайёр қабулида ўғлининг 6 ойлик иш ҳақини бермаётган корхона раҳбаридан шикоят қилганда бир отахон. Масъулларга топишириқ берилиб, мурожаат назоратга олинди.

– Икки ой деярли кунора борсам-да, пул йўқлигини айтиб, қуруқ қайтарган раҳбар ҳокимга мурожаат қилганимдан сўнг уч кун ўтиб, ўғлимнинг ойлик иш ҳақларини тўлиқ берди, – дейди отахон. – Пули бор экан-ку ёки зўр келгандан кейин топиб бердими? Нима бўлганда ҳам айрим раҳбарлар оддийгина масалаларда аҳоли вилоят ҳокимига ёки юқорига мурожаат қилишини кўтириши шарт эмас, деб ўйлайман. Аслида ҳар бир мутасадди ўз ишини виждонан бажарса, қонун-қоидага амал қилса, идорама-идора шикоят қилиб юришга ҳожат қолмасди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимовнинг навбатдаги сайёр қабули 2 июнь кuni Самарқанд шаҳридаги “Ватанпарвар” боғида ўтказилди. Бу ҳақдаги хабар икки кун олдин эълон қилинди ва қабул фақат шаҳар ёки шаҳар атрофидаги туманлар аҳолиси учун, дейилмади. Демак, вилоятнинг барча ҳудудидан кишилар келиб, ўз муаммосини айтиши, масалаларига ечим топиши мумкин эди.

Амалда ҳам шундай бўлди. Қабул бошланган пайтда, эрталаб соат 8 даёқ рўйхатдан ўтган фуқаролар 200 нафардан ортиқ эди. Кейин соат 9 да уларнинг сони 450, соат 11 да 800 нафардан ошди. Шу пайтгача бундай сайёр қабулларда ҳеч қачон мурожаатчилар 800 нафарга етмаган эди. Хуллас, қарийб саккиз соат давом этган сайёр қабулда 1023 та мурожаат қайд этилди. Энг кўп мурожаат Самарқанд шаҳридан (430 та) тушди. Паст Дарғом (169 та) ва Самарқанд (115 та) туманларидан келган фуқаролар ҳам кўпчиликини ташкил этди.

Бундан қимдир аҳолининг мурожаатлари кўпайиб кетгани билан изоҳлади, яна биров жойлардаги раҳбарларнинг фуқаролар мурожаатларига эътиборсизлигига йўйди. Айрим кишиларнинг боқимандалик қилиб, фақат давлатдан, ҳокимиятдан ёрдам сўрашга одатланиб қолгани ҳам мурожаатчилар сони ошиб бораётганига сабаблардан бири сифатида айтилди.

Бу фикрларнинг барчасида ҳам жон борлиги қабул давомида аён бўлди. Қабулда Э.Турдимов билан бирга вилоятнинг қолган уч сектор раҳбари – вилоят прокурори, ИИБ ва давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, вилоят Халқ қабулхонаси мудири ҳам аҳоли мурожаатларини эшитди. Қолаверса, шу ерда бўлган вилоят бошқарма ва идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, аҳоли мурожаатлари билан ишлашга масъуллар ҳам одамларни тинглашга, муаммосига ечим топишга келганди. Аммо ҳар бир мурожаатчи дардини вилоят ҳокимига айтишни истарди.

Ғолиб ҲАСАНОВ.

– Қабулга келиб, рўйхатдан ўтдингизми, қайси сектор раҳбарига ёки бошқа масъулларга айтишингиздан қатъи назар, сиз кўтарган масала ва унинг ечимини вилоят ҳокимлигининг назоратига олинади, – деди Э.Турдимов мазкур ҳолатга мурожаат билдириб. – Кўрярсиз, барча жараён видеотасвирга олинмоқда, суратга тушириляпти. Бу ҳеч бир масала, ҳеч бир мурожаатчи эътибордан четда қолмаслигидан далолат. Аҳолининг қонуний талаб ва истакларини албатта, бажарамиз ва барчамиз бунга масъулмиз.

Лекин қабулда турли ҳолатлар қайд этилди. Умуманфаатдан келиб чиқиб айрилган мурожаатлар билан бирга, шахсий масалалар, жумладан, уй-жой, ер олиш ёки ҳонадонини таъмирлаш бўйича ҳам мурожаатлар кўп бўлди. Бундай тоифадаги кишиларга уй-жой учун давлат томонидан субсидия берилаётгани, ер майдонлари фақат аукцион савдосига чиқарилиши, моддий ёрдам ажратиш электрон платформа орқали амалга оширилиши тушунтирилди. Айрим кишилар эса ҳеч иккиланмай кредитни тўлашда ҳокимликдан, давлатдан ёрдам сўради. Бундай фуқароларга ишлаш, меҳнат қилиб, ҳаётини фаровон қилиши тушунтирилди. Энди ўзингиз ўйланг, агар ўша фуқароларга жойларда сектор ходимлари, мутасадди идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоли ётиги билан масалани тушунтирса бўлармиди?

Тиббий хизмат юзасидан мурожаат қилган фуқароларнинг аксариятининг масаласи шу ернинг ўзида ҳал этилди. Уларнинг саломатлигини тиклаш, мураккаб жарроҳлик амалиётини бажариш учун вилоятимиздаги ихтисослаштирилган тиббий марказлар масъул этиб белгиланди. Заруратга қараб, бунинг учун маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилиши ҳам айтилди. Бироқ айрим шахсларнинг юртимизда имконият бўла туриб, хорижда даволаниши учун давлатдан пул сўрашига рад жавоб берилди.

– Ўзбекистонда жарроҳлик амалиётини ўтказиш мумкин бўлган ҳолатда ушбу операцияни хорижда ўтказиш учун моддий ёрдам кўрсатмаймиз. Марҳамат, ўзимизда операция қилдиришга имкон қадар ёрдам берамиз, – деди Э.Турдимов.

Қабул давомида яна бир тоифа кишиларнинг шахсий манфаат илмингиде ўзини ҳар қўйга солиб, барчанинг эътиборини ўзига қаратишга интилиши, роль ўйнаши кўпчиликининг таъбини хира қилди. Албатта, бундай тоифадаги кишиларга қонун талаблари тушунтирилди.

Хуллас, қабулга келган ҳар бир мурожаатчи эшитилди. Муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъулларга топишириқлар берилди, имконсиз масалаларга рад жавоб берилди. Сайёр қабулдаги мурожаатларнинг ижроси тез кунда муҳокама этилиши белгиланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтиш бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтиш бешинчи сессияси **2022 йил 10 июнь кuni соат 9:00** да чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

– вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 апрелдаги “2022-2026 йилларда Самарқанд вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 222-сон қарори ижроси юзасидан ҳаракатлар режасининг ижроси тўғрисида;

– вилоят ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий ахборот коммуникация-

лари масалалари бўйича ўринбосари – вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи Р.Қобиловнинг туризм хизматларини ривожлантириш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботи;

– вилоят ҳокимлиги ижро-назорати гуруҳи раҳбари 3.Раҳимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармони ижроси юзасидан ахбороти;

– вилоят сайлов комиссияси раиси С.Нуриевнинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган ўринга 2022 йил 29 май кuni ўтказилган сайлов натижаси тўғрисидаги ахбороти;

– халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 31 августдаги VI-41-41-7-0-К/21-сонли “Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларини қайта тuzиш ва шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида;

– халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 18 мартдаги “Вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги VI-59-63-7-0-К/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон қарорига мувофиқ, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйишга рухсат бериш тўғрисида;

– давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасини олиб қўйиш бўйича тақдирот материалларини кўриб чиқиш ва мулждорлар билан очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисида;

– бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 3 июнь

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га қарорига кўра, ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизи “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида, аҳолининг тақлифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфланади. Матбуот уйида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов иштирокида ўтказилган анжуманда шу ҳақда маълумот берилди.



Ташаббусли бюджетга фуқаролардан 3600 дан ортиқ тақлиф билдирилди

– 2022 йилдан бошлаб барча туман (шаҳар) лар бюджетлари тасдиқланган харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган, – дейди Ж.Ўроқов. – 2021 йил 1 июндан эса жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдори 10 фоиздан 30 фоизга оширилди. Яъни, тасдиқланган бюджетнинг 5 фоизи “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида, аҳолининг тақлифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфланса, туман (шаҳар)лар бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан яна 30 фоиз маблағ “Фуқаролар бюджети” дастурига йўналтирилади. Ташаббусли бюджет жараёни маҳаллий бюджет маблағларини аҳолини қийнаб келаётган

муаммоларга, фуқароларнинг бюджет жараёни иштирокини таъминлашга ва аҳолининг ўзи истаган тадбирни амалга оширишга қаратилган жараён ҳисобланади. Бу жараён openbudget.uz портали орқали 6 босқичда амалга оширилади ва йилга икки марта – февраль ва июль ойларида ўтказилади.

Мисол учун, ўтган йил фуқаролар ташаббуси жамғармасига жами 37,6 миллиард сўм маблағ ўтказилган ва фуқаролар томонидан 2059 та тақлиф тушган. Улардан 528 таси ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилиб, овоз бериш жараёнига қўйилган. Овоз бериш жараёнида жами 64196 овоз берилган, шундан 96 та тақлиф ғолиб деб топилиб, молиялаштириш учун халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши сессияларига киритилди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Туризм таълими “ФЛАГМАН”

Бугун дунё сийёсати ва иқтисодиётидаги халқаро алоқаларда вужудга келган воқелик туризм соҳасига кучли таъсир кўрсатиш давлатлараро муносабатларнинг муҳим воситаси бўлиши кераклигини намоён этди.



Бинобарин, коронавирус пандемиясидан аввал туризм классик модель бўйича ривожланган бўлса, 2020 йилдан бошлаб дунёнинг кўплаб мамлакатлари туризм соҳасини ривожлантириш стратегиялари, жумладан, тизимда таълим соҳасини ўзгартиришни қайта кўриб чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистон ҳам туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос стратегияси ва режаларини белгилаб олди.

Бизда туризм халқимизнинг бой маданияти, осори-атиқалари, халқ амалий санъати, ўзбек таомлари ҳамда бетакрор ва гўзал табиатини дунёга таништиришга асосланади. Албатта, юксак савияда хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари, туроператорлар, гид-ҳамроҳлик хизмати, логистика ва транспорт хизматлари ана шу юксак маданият ва маданий меросга мос равишда ташкил этилиши керак.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

Раҳмат МАМАТОВ:

Ёмон одам йўқ, феъли оғир кишилар бор

Вилоят ички ишлар бошқармасида ички ишлар органларини фуқароларнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил, профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуман пресс-релизиде қайд этилишича, жорий йилнинг тўрт ойи давомида вилоят ҳудудида 2242 та жиноят содир этилган. Жумладан, 231 та гиёҳвандлик, 7 та одам савдоси, 11 та қимор ўйинларини ташкил этиш, 16 та ноқонуний қурол сақлаш, 57 та фоҳишахона сақлаш, 62 та пора олди-берди жиноятлари аниқланган. Умумий жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайган бўлса-да, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари (70/51), транспорт воситасини олиб қочиш (5/4) жиноятлари камайган.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида умумий жиноятларнинг 95,9 фоизи (2150 таси) фoш этилиб, қидирувдаги шахсларнинг 116 нафари ушланган.

– Статистик рақамларни берамиз, лекин сизлар билан очиқ мулоқот қилиш, ички ишлар идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлиқни

мустаҳкамлаш учун бугунги тадбирни ташкил этдик, – деди вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Раҳмат Маматов анжуман аввалида. – Чунки ички ишлар идораларини профессионал тузилмага айлантиришда жамоатчилик, журналист ва блогерлар билан яқиндан ишлашимиз лозим.

Вилоят ИИБ бошлиғи статистик рақамларга тўхталиб ўтирмади ва матбуот анжумани савол-жавоб тартибда давом этди.

ОАВ вакилларини кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилишга сабаб бўлаётган ички ишлар ходимлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолатлар, профилактика инспекторларининг фаолияти, вилоят, Самарқанд шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар, ситуация марказдаги янгиликлар ва бошқа масалалар қизиктирди. Шу ва бошқа масалалар юзасидан бошқарма бошлиғи ҳамда соҳавий хизматлар



мутасаддилари батафсил маълумот берди.

Жумладан, бошқарма бошлиғининг маълум қилишича, яқинда Самарқанд шаҳрида қозогистонлик сайёҳлар билан юз берган ҳолат юзасидан ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра, икки нафар ходим ички ишлар тизимида ишдан бўшатирилган ва уларга нисбатан прокуратура органлари томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бу ходимларнинг икки нафар раҳбари ҳам вази́фасидан озод этилган.

Бундан ташқари, йил бошидан буён хизмат вази́фасини етарли

даражада бажармаган, фуқаролар билан ишламаган 11 нафар профилактика инспектори ички ишлар тизимида ишдан бўшатирилган. 10 нафардан ортигига интизомий жоза чораси қўлланилган. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича яна бир масъул ходим аҳоли мурожаатига эътиборсиз бўлгани учун кеча вази́фасидан озод этилган.

– Ижтимоий тармоқларда муҳокама этилаётган ёки халқнинг эътирозига сабаб бўлаётган ҳар бир ҳолатни албатта, муҳокама қилиб, зарур чоралар кўрамиз, – деди Р.Маматов. – Бундай вазиятларга ички ишлар ходимлари ҳам, фуқаролар ҳам сабабчи бўлиб қолишди. Аммо форма қийган, халқнинг хизматида кирган ходим ҳар қандай ҳолатда ҳам, аввало, муомала маданиятига риоя қилиши, ўзини аҳолининг ҳимоячиси эканлигини ҳис қилиши керак. Жамиятда ёмон одам йўқ, фақат оғир характерли кишилар бўлиши мумкин. Жиноятчи ёки ҳуқуқбузарни, аввало, шахс сифатида ҳурмат қилиш керак. Қилган хатти-ҳаракати, жиноят ёки ҳуқуқбузарлигига эса қонун доирасида жавоб беради.

Матбуот анжуманида вилоят ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлардан иборат жамоатчилик кенгаши тузиш тақлифи билдирилди ва қўллаб-қувватланди.

“МАРДИКОР БОЗОРИ” НИМА БЎЛДИ?



Самарқанд шаҳар Садриддин Айний кўчасидаги “мардикор бозор” қатор йиллардан буён йўлнинг ёқасида жойлашган бўлиб, у ерда транспорт қатнови ҳам қийин эди. Сабаби, кунлик ишга чиққанлар иш берувчиларнинг машинасини ўраб олиб, бошқа автомобиллар ўтишига халақит берарди. Бундан ташқари, қишининг совуғи, ёзнинг жазирама иссиғида кўчада туриш кишилар саломатлигига жиддий путур етказарди.

Яқинда ўша кўчада Самарқанд шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази хузуридаги “Кунлик ишчилар маркази” очилди. Марказда кунлик иш излаб чиққан фуқаролар учун катта, шинам кутиш зали қурилди. Кутиш залида ёлланма ишчилар иш берувчини кутиб туриши мумкин. Аммо биз борганимизда негиздан ушбу зал ёпиқ экан. Марказ дарвозасида икки нафар ИИБ ходими иш берувчиларнинг автомашинасини ичкари ҳовлига йўналтириб, назоратни сақлаб турибди. Иш берувчилар автомашинасида марказ ҳовлисига кириб, ишчиларни ёллаб олиб кетмоқда. Дарвозадан киришда етмишга яқин фуқаро машинасини ўраб олди. “Нега кутиш залида ҳеч ким йўқ?”, деган саволимизга “Бу бино доим ёпиқ, бизни киритмайди”, дейишди.

НЕГА КУТИШ ЗАЛИДАН Фойдаланилмаяпти?

Биз кутиш зали эшигини тортиб қўриб, ҳақиқатда эшик ёпиқлигини тасвирга ола бошладик. Бир зумда атрофимизни одамлар ўраб олди. Дастлаб марказ қоровули пайдо бўлиб, “Бу хона қишда очилади, одамлар совқотмаслиги учун қилинган”, деди. “Қирқ даража иссиқда одамлар ташқарида турадимиз?”, деган саволимиздан кейин марказ мутахассиси Улуғбек Абдухазов пайдо бўлди. Шундан сўнг ишчилар учун қурилган бино эшиклари очилди.

– 2022 йил 14 апрель куни ушбу марказ ишга тушди, – деди У.Абдухазов. – Кунлик ишчилар учун замонавий кутиш зали, 100 ўринли ётоқхона қурилди. Ётоқхонамиз ҳозирча ишга тушгани йўқ, мебель келтирилиши керак. Ётоқхона ичиде ошхона ҳам бор, бу ерда истикомат қилувчилар учун овқат тайёрланади. Ётоқхона асосан, узоқ туман ва вилоятлардан келганларга бепул берилади. “Кунлик ишчилар маркази”да ҳар куни 180-250 нафарга яқин фуқароларни рўйхатга оламиз. Бу ерда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан ҳам келиб ишловчи-

лар бор. Фуқароларга кунлик, мавсумий ишлардан ташқари, қарамасдан, бино ортидаги ўриндиқларда 3-4 киши ухлаяпти. Қоровулнинг айтишича, ухлаётганларнинг ҳаммаси ҳам тартибли, интизомли кишилар эмас. Баъзилари кунлик ишлаб келиб, топган пулига спиртли ичимлик ичиб, ётиб оларкан.

Дастлаб камерани кўриб, ҳар томонга қочиб кетаётган одамлар юзингизни кўрсатмаймиз, деганимиздан сўнг интервью беришга рози бўлишди.

“ПАСТ ДАРҒОМДА ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ ЙЎҚ”

– Ўн йилдан буён мардикор бозорига келаман, шу ердан иш топиб, оилами боқаман, – деди Исроиил Аннаев. – Уч нафар фарзандим бор. Ўзим Паст Дарғом туманида яшайман, ҳар куни тумандан 25 минг сўмга қатнаб ишлайман. Кунига 200-300 минг сўмга топаман, баъзи кунлари умуман иш топилмайдими, уйга қуруқ қўл билан қайтаман. Доимий иш ўрни бўлмагани сабаб ҳар куни шаҳарга қатнаб ишлашга мажбурман. Биз аввал кўчада туриб, иш излардик. Энди кўриб турганингиздек иш учун марказ ишга тушди, аммо очилгандан буён кутиш залидан фойдаланганимиз йўқ. Ҳамиша ёпиб қўйилади.

➔ Кун мавзуси

“МАРДИКОРЛАРГА ҲАМ КРЕДИТГА УЙ БЕРИЛСА...”

– Асли Нарпай туманиданман, қишлоқда ҳам уйим йўқ. Самарқанд шаҳрида оилам билан ижарада яшайман, – деди Қувондиқ Ҳақназаров. – Уч нафар фарзандим, турмуш ўртоғимни кунлик иш топиб боқаман. Ижарага 1 миллион 500 минг сўм тўлайман. Асосан юк ташиш, тушириш сингари ишларга бораман. Кунига 200-300 минг сўм топаман. Ҳаётимдан нолимайман, аммо биз сингари мардикорларга кредитга уй берилмайди. Бир неча бор бу ҳақда ҳокимиятга мурожаат қилдим, аммо натижаси бўлмади. Агар давлат биз каби ишсиз фуқароларга ҳам кредитга уй берса, ижарага берадиган пулимни ҳар ой кредитга тўлардим.

– Мен асли каттакўрғонликман, Ургутда оилам билан ижарада яшайман, – деди фуқаролардан бири. – Менинг ҳам қишлоқда уйим йўқ. Ҳар куни мардикор бозорга иш ахтариб келаман. Ҳақиқатан ҳам давлат ташкилотиде ишламайдиган биз сингари фуқароларга кредитга уй берилса, ижарага тўлайдиган пулни кредитга берадиган ва уйли бўлиб қолардик. Аммо бизнинг муаммомизни ҳеч ким эшитмаяпти.

КУНЛИК ИШЧИЛАР МАОШ ОЛАДИГАНЛАРДАН КЎП ПУЛ ТОПАДИ

Мардикор бозоридегиларнинг айтишича, астойдил меҳнат қилган киши кунлик ишлаб ҳам маошга ишлайдиганлардан кўп пул топади. Агар ишчи бир кунда ўртача 200 минг сўмдан ишлаб топса, бир ойда 6 миллион сўм бўлади. Шунингдек, топган пулига спиртли ичимлик сотиб оладиганлар нонини ҳам қийналиб топиши, яъни баракаси йўқлигини ҳам яширишмади. “Асосан, бу ерда етмиш фозил одам уйим-жойим деб юрганлардан, улар ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратаяпти”, деди фуқаролардан бири.

Хуллас, ҳаракат қилган одам мардикор бозорга чиқиб ҳам оила тебратishi мумкин. Бу борада “Кунлик ишчилар маркази” ишсиз фуқароларга хизмат қилиши, унда яратилган шарт-шароитлар фақат “юқори”дан келганларга кўрсатиш учун ёпиб қўйилмаслиги керак. Тўғри, тартибсиз фуқаролар бўлиши табиий, фақат уларга марказ мутахассислари тартиб-интизомни ўргатиши лозим.

– Бундай марказ ҳали республикамизнинг ҳеч қаериде йўқ, – деди марказ мутахассиси. – “Кунлик ишчилар маркази” очилгунча бунинг ортида қанча раҳбарлар ишсиз фуқароларга шарт-шароит яратишга ҳаракат қилди, меҳнат қилди. Фуқаролар ҳам марказда яратилган шарт-шароитларни қадрлаши керак.

Яна бир гап. Биз марказни излаб келаётганимизда мардикор бозорининг эски ўрнида 15-20 нафар атрофида кунлик ишлаш учун чиққанларни кўрдик. Назаримизда улар марказга киришни истамасдан, шундоқ кўчада туриб, аввалгидек иш изламоқда. Фуқаролар хавфсизлиги ва саломатлигини ўйлаб қилинган марказ уларга ёқмаган ёки тезроқ иш топиш ниятида. Нима бўлган тақдирда ҳам ҳамма белгиланган тартиб-қоидага амал қилиши керак. Зеро, ризқ Аллоҳдан, унга шошилиб эришиб бўлмайди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА, “Зарафшон” мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

“Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишлар, жаҳон таълим стандартларини жорий қилишига интилиши билан ажралиб туради. Университет бугун юқсак малакали, ижодий фикрлайдиган, билиминичи узлуксиз такомиллаштириш ва бойитишга тайёр кадрларни тарбиялашни мақсад қилганки, бу Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга ижодий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

тадқиқотлар олиб борадиган илмий муассаса билан бойитилди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Шахрисабз, Марғилон, Хива туризм ва сервис коллежлари негизда туризм ва маданий мерос техникумлари ташкил этилди. Бу техникумлар маъмурий ва ўқув-услубий жиҳатдан университетга бўйсунди. Бундан ташқари, улар университетнинг биринчи ва иккинчи курсларининг таълим дастурларига уйғун ўқув режаси билан ишлайди. Ушбу техникумларнинг энг яхши ўқувчилари университетнинг иккинчи курсидан ўқишни давом эттириб, олий маълумот



2018 йилда Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо “Катта саккизлик” давлат раҳбарлари саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ипак йўли” туризм халқаро университетини ШХТ давлатларининг туризм таълими таянч университети сифатида ташкил этишни таклиф қилганди. “Ўзбекистон томони дунё цивилизациялари кесигин чорраҳа - кўҳна Самарқанд шаҳрида “Ипак йўли” туризм университетини ташкил этиш гоёсини биргалиқда амалга оширишни таклиф этади, – деганди ўшанда Президентимиз. – Ушбу таълим даргоҳида туризм соҳасидаги энг етуқ мутахассислар ўз билимлари билан ўртоқлашиши, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ёшлар таълим олиши мумкин”.

Тарихан 4 йиллик қисқа фурсатда университет мамлакатнинг энг таниқли ва нуфузли олий таълим даргоҳларидан бирига айланди, халқаро макомга эга бўлган биринчи университет номини олди. Университетнинг ташкил этилиши тезда ўзини оқлади ва бу ерда шакланган ташаббуслар Ўзбекистоннинг бошқа таълим муассасаларида татбиқ этила бошланди. Жумладан, Болонья жараёни модели ва кредит-модул тизими таълимда жорий этилди, ўқитиладиган фанлар сони беш ёки олтига қисқартирилди, 5 кунлик ўқув (талабалар учун) ва 5 кунлик иш (ўқитувчилар ва ходимлар учун) тизимига ўтилди, дарслар давомийлиги қисқартирилиб (оқлатдаги 80 дақиқа ўрнига 50 дақиқа), амалий машғулотлар сони кўпайтирилди. Ўқув жараёнида назарий ва амалий тайёргарликни уйғунлаштиришни назарда тутувчи дуал таълим тизими жорий қилинди. Тьюторлик тизимини (аввал “эдвайзинг тизими”) яратиш ўз навбатида, ўқитувчиларни кураторлик ролидан озод қилди. Талабалар парламенти ташкил этилди, унда очик ва шаффоф сайловлардан сўнг бир ўқув йили учун талабалар орасидан президент сайланади. У кейинчалик маданий-маърифий фаолият ва талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш билан шуғулланади.

Президентимиз 2021 йил 30 октябрда “Туризм, маданий мерос ва музей-шунослик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларни тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарор билан “Ипак йўли” туризм халқаро университети “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети, деб номланди. Эндилкида университет Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича асосий олий таълим муассасаси мақомидан ташқари, маданий меросни бошқариш, музейшунослик каби янги таълим йўналишлари бўйича соҳада илмий ва инновацион

олиш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, Тошкент туризм ва сервис коллежи қошида университетнинг Тошкент филиалини очиб режалантирилган. Президент қарорига кўра, университет қошида “Ипак йўли” халқаро илмий-тадқиқот институти, “Ипак йўли” музейи, “Ипак йўли” арт-қароргоҳи, “Ипак йўли” санъат галереяси, реставраторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, гастрономия мактаби ўз фаолиятини бошлайди.

Яқин келажақда университетнинг ўқув, илмий ва амалиёт салоҳияти ошиб, минтақада ва Шанхай ҳамкорлик ташкилот мамлакатларининг туризм таълими соҳасидаги “флагман”ига айланади.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида таълим йўналишлари сони ошади, улар туризм ва маданий мероснинг асосий йўналишларини қамраб олади. Жумладан, университетнинг бакалаврият таълим босқичида менежмент, меҳмонхона хўжалиги ва бошқарушни ташкил этиш, туризм, музейшунослик, археология, гид-экскурсовод ва таржима фаолияти, маданий мерос объектларини сақлаш, логистика, магистратура босқичида логистика (туризм йўналиши бўйича), туризм, музейшунослик, маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш ва сақлаш, менежмент, креатив индустрия, археология йўналишлари бўйича талабаларни қабул қилади.

2022-2023 ўқув йили учун бакалаврият кундузги таълимга 350, сиртки таълимга 120 ўрин қабул квоталари ажратилди. Магистратура учун эса 90 ўрин белгиланди.

Шунингдек, ҳар йили Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар фуқаролари учун давлат гранти асосида магистратурада ўқиш учун 85 та ўрин, хорижлик профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар учун 20 та корпоратив турар-жой ажратилади.

Университетимизда туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналиши бўйича “Эл-юрт умиди” жағфармасининг докторантура (PhD) ва магистратура дастурлари жорий этилади. Дастур 50 нафар иқтидорли мутахассисни (40 нафари магистратура ва 10 нафари докторантура даражасида) тайёрлашни ўз ичига олади ҳамда университетнинг ёш ўқитувчилари, бакалавр ва магистратура битирувчилари дунёнинг энг етакчи университетларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, диссертациялар ҳимоя қилиш имкониятини кўлга киритади.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетининг биринчи проректори, профессор.

Ташаббусли бюджетга фуқаролардан 3600 дан ортиқ таклиф билдирилди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Масалан, Нарпай туманидаги Қорахитой қишлоғида аҳолини бир неча йилдан буён ичимлик суви муаммоси қийнаб келаётган эди. Ушбу қишлоқ фуқаролари томонидан киритилган таклиф фуқаролар ташаббуси жараёнида фойлиб чиқди ва молиялаштириш учун 205 миллион сўм маблағ ажратилди.

Каттакўрғон шаҳридаги 22-давлат мактабгача таълим ташкилотига мебель жиҳозлари олиб бериш масаласи ҳам фуқаролар ташаббуси жараёни орқали молиялаштирилди.

Шунингдек, Оқдарё туманидаги 22-умумтаълим мактабига янги ҳожатхона қуриш учун ҳам маблағ фуқаролар ташаббуси жағфармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Жорий йилда ташаббусли бюджет жараёнининг 1-босқичида фуқаролар томонидан 3661 та таклиф илгари сурилиб, ҳудудий ишчи комиссиялар томонидан 1692 та таклиф овоз бериш жараёнида ўтказилди. Овоз бериш жараёнида вилоят аҳолисининг қарийб 10 фоизи иштирок этиб, ўзлари қўллаб-қувватлаган таклифларга 369015 та овоз беришди. Ташаббусли бюджет жараёни 1-босқич якунларига кўра, 209 та таклиф фойлиб деб топилди ва ушбу тадбирлар учун жами 114 миллиард сўм

маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Фойлиб деб топилган таклифлардан 3 та таклиф Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 22 апрелдаги 213-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид бўлганлиги сабабли рад қилинган. Шунингдек, ташаббусли бюджет жараёнида фуқаролар томонидан 2000 дан ортиқ овоз берилган таклифларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президент қарорига асосан, қўшимча равишда республика бюджетидан вилоятимизнинг Каттакўрғон ва Иштихон туманларига 2,9 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Фойлиб таклифларни соҳалар кесимида таҳлил қиландиган бўлсак, умумтаълим мактабларини таъмирлаш бўйича 53, ички йўлларни таъмирлаш юзасидан 70, соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш бўйича 11, мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш учун 33, ичимлик суви ва оқова тизимини яхшилаш бўйича 5 та таклиф фойлиб деб топилди.

Ушбу фойлиб таклифларни молиялаштириш бўйича ҳудудий ишчи комиссиялар томонидан манзилли дастурлар ишлаб чиқилди ва халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида тасдиқланди. Таклифларни молиялаштириш бўйича молия бош бошқармаси ҳамда вилоят прокуратураси томонидан назорат ишлари олиб борилмоқда.

Ўқтан ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Самарқанд шаҳридаги Суғдиёна маҳалласида бир оила бир неча ойлардан бери ажралиш ёқасида эди. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Дилноз Таънибердиева оиладаги ажримнинг олдини олиш учун кўп ҳаракат қилди, аммо оилада ечими мураккаб бўлган муаммолар ҳам бор экан. Шу туғайли у бу оилани Самарқанд шаҳридаги Никоҳ уйида очилган оилаларни яраштириш мактабига олиб келди. Малакали мутахассислар иштирокида муаммо ҳал этилди – оила ярашди. Қайнота ўғли билан келинининг қонуний никоҳдан ўтишига қаршилиқ қилиши, ўғилнинг оилани боқиш учун даромади йўқлиги ва хавф муаммолар ҳал этилди.

Никоҳ уйида яраштириш мактаби очилди

Яқиндан бошлаб вилоят Никоҳ уйида “Ёшларни оилага тайёрлаш” мактаби билан бир қаторда, кенг жамоатчилик иштирокида оилаларни яраштириш мактаби иш бошлади. Май ойида ташкил этилган яраштирув мактабида ҳозирга қадар етти оила ярашувига эришилди.

Вилоят оила ва хотин-қизлар ҳамда адлия бошқармалари ҳамкорлигида таш-

кил этилган тадбир доирасида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мактабининг намунали машғулоти ҳам ўтказилди. Унда ФХДБ бўлимларига никоҳдан ўтиш учун ариза топширган 60 га яқин ёшлар, уларнинг ота-оналари, 50 йилдан бери биргалиқда умргузаронлик қилаётган оила бошлиқлари ўзаро фикр алмашди.

Гулрўх МҶМИНОВА.

“ТЕСКАРИ ПИРАМИДА” БУЗИЛАДИМИ?

Ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

Вилоят Матбуот уйида вилоят қурилиш бош бошқармаси, қурилиш назорат инспекцияси ва бошқа масъуллар иштирокида қурилиш соҳасини техник тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасида анжуман ўтказилди.

– Қурилиш соҳасини ҳуқуқий ва техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мувофиқликни баҳолаш, давлат назорати тизимини такомиллаштириш, соҳа рақобатбардошлигини ошириш, сифат ва хавфсизликни таъминлаш учун Қурилиш вазирлиги томонидан қатор чоралар ишлаб чиқилмоқда, –

дейди вилоят бош архитектори Сайфиддин Нарзиқулов. – Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган 7 та маъмурий регламент асосида давлат хизматлари кўрсатиши

ҳужжатлар алмашинув босқичлари камайитрилиб, мuddатлар 25 фоизгача қисқартирилди. Матбуот анжуманида журналистлар яқинда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинган Самарқанд тумани Жўйисой маҳалласида қурилган “Тескари пирамида”ли қурилиш, Самарқанд шаҳридаги ноқонуний ёки рухсат этилгандан ортиққа қурилган кўп қаватли уйлар борасида қизиқишди. – Бу бино бўйича 2015 йилдан буён фуқаро ва Самарқанд туман ҳокимлиги судлашмоқда, – дейди вилоят қурилиш назорат

инспекцияси бошлиғи Садулла Зиёдуллаев. – Яқинда “Ўзоғирса-нолтойиха” ташкилоти мутахассислари бинонинг техник ҳолатини ўрганиб, объектни яроскиз деб топди. Бу борада бир неча кун аввал Қурилиш вазирлиги томонидан ҳам расмий муносабат билдирилди, объект бузилиши борасида хулоса берилди. Ўзбекистонда қурилишларни экспертизадан ўтказиш бўйича экспертиза давлат унитар корхонаси бор ва уларнинг хулосаси бўлмасдан туриб, бу бинони қонуний дейишга ҳақимиз йўқ. Ўз мухбиримиз.

Чет тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинади



Ўртамузда таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Барча жабҳаларда хорижий тилларни ўқитишни давлат сиёсати даражасига кўтариш фан ва таълимнинг ривожланишига олиб келади. Кейинги йилларда хорижий тилларни ўқитиш бўйича кўп-лаб фармон ва қарорларнинг чиқиши ҳамда уларнинг олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 7 июнь кунин Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилиши режалаштирилган “Чет тилларни ўқитишда долзарб муаммолар, инновациялар, аъёналар, ечимлар ва бадий адабиётлар таҳлили” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ҳам шулар жумласидандир. Хорижий тилларни ўргатишнинг самарали усуллари, уларнинг турлари ва тадқиқ қилиш методлари, замонавий ўқитиш методикаси, унинг ўрганилган, ўрганилаётган ва ўрганилиши лозим бўлган йўналишлари каби масалалар муҳокамаси анжуманининг мақсад ва вазифасини ташкил этади. Конференциядаги ушбу мақсад ва вазифалар куйидаги шубҳаларда муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда:

• хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетенциялари ҳамда хорижий тилларни ўқитишда

баҳолаш;

• хорижий тилларни ўқитишда IT технологиялар, масофавий таълим, электрон рақамли таълим;

• чет тилларни ўқитишда замонавий лингвистика йўналишлари, лингвистик тамойиллардан фойдаланиш;

• бадий матннинг статистик таҳлили, ечим ва муаммолар.

Инглиз тили-II факультетининг инглиз тили назарияси ва адабиёти кафедраси томонидан ўтказилаётган анжуман хорижий тил таълими, хорижий тилларни ўқитиш усуллари ва таълим-тарбия назарияси, таълим жараёнига янги педагогик ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш билан боғлиқ долзарб муаммолар, уларнинг ечимларини топиш ҳамда бу борада эришилган ютуқлар доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашувини таъминлаш, масофавий таълим усуллари

такомиллаштириш, тил ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш ва ўқитиш сифатини яхшилашга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари тизимидаги муассасаларнинг юздан зиёд малакали чет тили фани ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Н.СУЛАЙМОНОВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили назарияси ва адабиёти кафедраси муdiri, PhD, доцент.

Устозлар ҳақида ёзиш ўта масъулиятли. Шу билан бирга, умрининг олтин даври бўлган талабалик йиллари, чин маънода илмга ва шогирдларига меҳр қўйган устозларни эслаш ёқимли, албатта. Улар ҳақиқий фан дарғалари, шу билан бирга, самимийлик, камтарликда ҳам катта ибрат мактаби эдилар.

Фидойилик тимсоли



1989 йилда Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетига ўқишга кириш насиб этиб, талаба бўлганмиз. Уша пайтда факультетимиз шундай номланарди. Бир йилдан сўнг тожик филологияси алоҳида ажралиб чиққан эди. Ана шу бир йил давомида барча домлаларимиз бизга меҳр қўйишди, биз уларга фарзанддек бўлиб қолдик. Факультетлар алоҳида бўлгач ҳам филология йўналиши бўлгани учун домлаларимиз билан узоқлашиб кетмадик, аксинча, борган сари қадрдонлашиб, меҳримиз ошиб борди. Бу муносабат орадан йиллар ўтса-да, ўқишни тугатиб, тарқалиб кетса-да, давом этмоқда.

Домларимиз ҳақида ўйлаганда бир нарсага амин бўлганам. Устозларимиз аввал ўзлари талабага меҳр бериб, кейин дарс берган экан. Шу тариха, бизда илм-фанга меҳр уйғотишган. Бу чинакам фидойилиқдир.

Абдусалом Самадов ҳам ана шундай улў сифатларга эга эди. Кўчи билими сокин сўхбатларидан сезилиб турадиган, шу билан бирга, камтарин ва самимий устоз эдилар. Чўқур дарё сокин оқиди, деган нақл бор.

Самадов домла қардош халқлар

адабиёти ва адабиёт назарияси фанларидан дарс берардилар. Бу дарсларда домланнинг маърузасини талабалар вужуди билан тингларди. Домла ҳеч қачон бировга овозини кўтармасди. Дарсад ҳам бир хил, сокин овозда гапирарди. У кишининг журналистика соҳасидан чиққанлиги, илмий фаолият билан бирга журналистикада ҳам фаол бўлгани мени қойил қолдиради. Ўқишни тугатган, талабалик давримдаёқ журналистикани танлашимга домланнинг ҳам таъсири бўлган.

Домланнинг доимо ўз устиди ишлаши, маълумотларни ижодий таҳлил қилиш лаёқати, адабий материалларни таҳлилий баҳолаш қобилияти,

Хотира уйғонса гўзал

таълимдаги муваффақиятлари, илмий анжуманлардаги мунтазам иштироки, матбуотда илмий мақолалар эълон қилиши ва университет ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши талабаларга ибрат эди. Улуғ инсонлар нафақат маъруза, панд-насихатлари билангина эмас, балки ўзларининг намунали фаолияти билан ҳам талабани тўғри йўлга бошлар экан. Ана бир қойил қоладиган жиҳат бор эдики, А.Самадов нафақат тожик, ўзбек ва рус тилларида эркин гаплашарди, балки бу тилларда илмий ва публицистик мақолалар ёзарди. Тожик, ўзбек ва рус тилларида 10 дан зиёд монографияси, 20 дан ортиқ дарслик, 10 дан ортиқ ўқув-ўқувий қўлланма, 200 дан зиёд илмий мақолалари нашр қилинган фикримизнинг исботидир.

СамДУни тугатиб, катта ҳаётга қадам қўйганимизга ҳам салкам 30 йил бўлди. Шу йиллар давомида домла билан устоз-шогирд, қадрдон бўлиб қолдик. Тадбирларда, кўча-кўйда, университетга бирор сабаб билан борганимда соатлаб сўхбатлашардик. Бу сўхбатларда у кишидан кўп нарсаларни ўрганганам.

У кишининг ўғли Шўхратжон билан ҳам кўп йиллик қадрдонимиз. Домла-нинг тарбиясини олган бу йигит ҳақида фақат илқ фикрлар айтиш мумкин.

Устозга доимо руҳан, маънан, қалб-бан таъзимамиз.

Садриддин НАБИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сакловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1	Собиқ ТИФУК (туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси) биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Пахтачи тумани "Гулистон" МФЙ	0.165	83.58	128 700 000,0	30.06.2022 й.	30.06.2022 й.
2	Бўш турган маъмурий бино	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	Ургут тумани "Пастки қалангар" МФЙ	0.094	213.0	428 021 000,0	01.07.2022 й.	01.07.2022 й.
3	Собиқ маъмурий бино	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Ургут тумани "Юқори қалангар" МФЙ	0.0814	376.35	622 263 000,0	01.07.2022 й.	01.07.2022 й.
4	Бўш турган бино ва иншоотлар	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	Самарқанд шаҳри "Наврўз" МФЙ, Олмаота кўчаси, 6-уй	0.0538	358.34	622 501 950,0	01.07.2022 й.	01.07.2022 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:
Ушбу объектларни “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қоидада “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auksion.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларга қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auksion.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auksion.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб ўтказилаётган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий кабинети”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтга кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдога қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар “e-auksion.uz” сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”га кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинги аукционларим” бўлимида қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кунин соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошлангич иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилди. Шундан сўнг иштирокчиға ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун

манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:
66-233-73-54, 91-537-32-12
Факс: 66-233-73-54

“Facebook”даги расмий саҳифа:

Sam Dav Aktiv
Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд туманидаги «JOMBOY SEMENT» масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 304179454) ўз устав фондиди 21 424 236 000 (йигирма бир миллиард тўрт юз йигирма тўрт миллион икки юз ўттиз олти минг) сўмдан 17 288 508 000 (ун етти миллиард икки юз саксон саккиз миллион беш юз саккиз минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Миронқул маҳалласи.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Тошпулатова Рохияга (2019 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Бокиев Жумага (2013 йил 13 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазраткулов Махмуд

Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темура кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазраткулов Махмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Ахмедов Раҳматга (1966 йил 17 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ахмедов Раҳматга мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темура кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Зайсева Эмиnega (2021 йил 6 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўғбек кўчаси, 80-уй.

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Абибуллоева Зиннетга (2022 йил 11 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан

меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасида марҳум Намозов Ахтамга (2021 йил 16 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навой шохкўчаси.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Иштихон туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Кубаева Дилмас Шерали қизи номига берилган УМ № 0141123 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд банк коллежидан 2006 йилда Шеркулов Шерали Абдурашулович номига берилган рўйхат рақами 702, К № 228822 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Саттаров Обид Саидкулович номига берилган У № 1875210 рақамли умумий

ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 48-ўрта мактабдан 1998 йилда Бобомуродова Дилноза Намозовна номига берилган О’Р-А № 371897 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Бердиева Феруза Уктамовна номига берилган У № 1117224 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Каршиев Гиёсиддин Сайимович номига берилган У № 4287006 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 23-ўрта мактабдан 1992 йилда Салиев Одил Очилович номига берилган А № 304865 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт университетидан 2022 йил 31 майда Камчибеков Алмамет Валиевичга берилган рўйхат рақами 9090, № 8259 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 8-умумтаълим мактабидан 2019 йилда Раҳмонов Зафарбек Жамшид ўғли номига берилган У № 0150398 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд педагогика коллежидан 2019 йилда Эргашева Мухлиса Шерзод қизи номига берилган рўйхат рақами 607, К № 5566917 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан (ҳозирги Самарқанд вилоят юридик техникумидан) 2020 йилда Амиров Жавлонбек Қахрамон ўғли номига берилган рўйхат рақами 157, К № 5599612 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг гербул думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети қишлоқ академик лицейидан 2012 йилда Нуруллаев Шаҳод Ваҳоб ўғли номига берилган рўйхат рақами 11920, № 049772 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими “Паст Даргом ҳақиқати” газетаси масъул котиби
Отабек ЭРГАШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия ихор этади.

“МЕХР СОҲИЛИДАГИ ЙЎЛОВЧИ”

Эркинжон Умаров (Бўстони) Андижонда камол топган. Ҳозирда Нурободдаги 64-мактабга келиб, ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бераётир. Ижодкор муаллим ташаббуси билан қишлоқ ижодкорларининг “Тим саломи” адабий альманахи чоп этилди. Яқинда Намангандаги “Истеъдод зиё-пресс” нашриётида олий тоифали ўқитувчининг “Меҳр соҳили” китоби чоп этилди. Таниқли шоир, устози Икром Аслий нашрга тайёрлаган китобга Эркинжоннинг шеър ва ғазаллари, ҳикоялари, таълим-тарбияга оид мулоҳазали мақолалари киритилган. Мухими, уларда инсон руҳиятининг ўткир ҳолатлари ифода этилган, шу боис ўқувчи муролада зерикмайди. Шунингдек, тўпламдаги Тим қишлоғилик халқ қаҳрамони Рўзи мерган ҳақидаги рисола, ёзувчи Иброҳим Маҳкам ижоди ва маънавият тарғиботчиси Абдулахад Тожибоев ҳақидаги эсселар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Муаллим маънавиятдаги эврилишларни маҳорат билан қаламга олади ва салмоқли хулосалар қилади. Зеро, шоир ўзига нисбатан “Меҳр соҳилидаги йўловчи” ташбехини ҳам ўринли келтирган.



Ойбек КОМИЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

Бу воқеа ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар ўрталарида бўлиб ўтган, маҳалла-дошларимиз воқеани узоқ вақт ёр-биродарларига ва фарзандларига ибрат сифатида айтиб юрганди. У вақтлар мен 7-синфда ўқирдим.

ДАЛЛОЛ (Ҳикоя)

Маҳалламизда Нозим даллол исмли инсон яшарди. Даллол туманимизда ва қўшни туманларда бозор бўладиган кунлари мол бозорларида олдиға ёш қизини олиб, даллоллик касби билан шугулланарди. Уни яқиндан танима-сам-да, бобом у ҳақида гапирганида ижирганиб, худди бирор-бир жирканч нарсани босиб олгандек гапирар, илоҳи бўлса, у ҳақида гапирмас, бошқаларга ҳам даллол исмини тилларига олмасликни ўқтирарди. Раҳматли бовим “Нозимбой эски хунарини ташламабди-да”, - деса бобом бир сўкиниб олар, “Бир кунинг бу ҳаром иши бошини ейди”, - деб кўярди.

Бобомнинг бу сўзига, нега бундай дейишига қизиқдим. Жума бозор кунларининг бирида дадамни кўярда-кўймай мол бозорига олиб бордим. Дадам “У ерда нима қилсан ёш бола?”, деб ҳайрон бўлди. Мен эса бозорга етгунча асл максадимни айтмадим. Эрталабки соат беш яримларда бозорга етиб бордик. Май ойи бўлгани учун тонгдан ҳаво иссиқ, қилт этган шабада йўқ. Аммо бозор аллақачон гавжам кўришга бошлаган. Дадамнинг ким сизни кўришганини мақтаган, ким сизнингнинг кўп сўт беришини бақириб мақтайди. Одамларнинг ва ҳайвонларнинг кўпчилиги лол бўлиб қолдим.

“Хўш, Абдурахмон, бу бозорнинг нима сизни кўрсан?”, - сўради дадам. Бир оз индамай тургач, асл максадимни айтдим: - Маҳалламиздаги Нозим ака бор-у, қизи Ширин билан бозорга чиқади, дейишадди, ўшани бобом доим ёмонлайди. Шунинг кўрмоқчиман.

Дадам аввалига ҳайрон бўлиб қолди. Яна қайтар-чи, дегандек менга тикилди. Ниятим қатъий эканлигини билгач, секин ва салмоқли сўзладим: - Майли, сен айтганча ҳам бўла қолсин. Бироқ сен даллол ярамасинг ишини ахшиллаб текшириб олган, мен сенга бир насиҳат айтаман, ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам ўқиб олгин, хўпми?

Мен хўп, дедим. Дадам мени бозорнинг чеккароғидаги девор томонга бошлаб кетди. Сал юргач, “Шу гўдакка раҳм қилинг, шу бечорага раҳм қилинг, бечоранинг шу буюғидан бошқа бойлиги йўқ. Шунинг сотиб, пулини касал онасига олиб борса, давоси учун пул чиқади”, дедётган даллолга яқинлашдик. Бу ўзимизнинг Нозим ака эди. Мени

ҳеч кимнинг сўзини олмайди. Ким насиҳат қилмоқчи бўлса, юмма талади. Ўзига қўшилиб, аёли ҳам одамларни ёмонотлиққа чиқарди. Бора-бора даллолнинг бойлиги кўпайиб боргани сари унинг ёр-дўстлари ҳам камайиб борди. Охир-оқибат у яхши дўстларсиз, хешу ақрабодарсиз қолди. Дадам жим қолди. У худди менга эмас олисдаги тоғларга сўзлаётгандек бўларди.

Абдурахмон, инсон ҳаётидаги ҳар бир яхшидан ҳам, ёмондан ҳам ибрат олиб яшаш керак. Даллол фақат содда одамларни алдаяпти. Аммо сен ўқинг, яхши инсон бўлгин. Келажакда қўлингдан келса, жамиятдаги иллатларни тазолави чек азбаси бўлгин.

Дадам менга кулиб қаради-да, бошимни силаб, “юр кетдик”, дея бозор эшиги сари юрди. Биз бозордан чиқиб кетар эканмиз, қулоғим остида Нозим даллолнинг “бола бечорага раҳм қилинг”, деган сўзлари кетмасди.

Орадан бир неча йиллар ўтди. Нозим даллол маҳалладаги энг бой инсонлардан бирига айланди. Данғиллама уй солди. “Нексия” олди. Бобом эса уни ҳамон ёмон сўзлар билан эсларди.

1997 йилнинг декабрида қишлоғимизга ноҳусу хабар келди. Нариги маҳаллада молларни юклаб келаятган оғир машина жарликка ағанаб кетибди. Ҳайдовчи ҳам, унинг олдидаги йўловчи ҳам, моллар ҳам аралаш-қуралаш бўлиб ётган жойга синфдошларим билан югуриб бордик. Биз жар тубига тушганимизда, одамлар ўлган, чала ўлган молларни, машинанинг синиб, пачоқ бўлиб кетган усқуналарини, кузов ва буферларини, бордачокларини-ю, ойна тазолагичларини торта-торта йиғиштиришгаётган экан. Ногоҳ сувчи Салим аканинг “Воҳ!” деган овози эшитилди. Ҳамма у тарафга беихтиёр югурди. Одамларни оралаб, олдинга ўтиб қараганимда кўз олдимда мўдҳиш манзара ётарди. Бир катта ҳўкиз қонга беланиб ётар, унинг ёнидаги мурда ўша даллол Нозим ака эди...

Бобом ҳам, дадам ҳам шу воқеадан кейин даллол ҳақида гапирмайдиган бўлди. Ўлганнинг ортидан ёмон гапирини яхши эмас. Аммо одамлар узоқ вақт ёр-дўстларига, фарзандларига бу воқеа ва ундан чиққан ҳиссани ибрат тарзида сўзлаб юрдилар.

Эркинжон УМАРОВ, Нуробод тумани, Тим қишлоғи.

ИКРОМ

Хушманзара кўчада соч-соқоллари оппоқ, оғир, босиқ, вазмин бир нуроний отахон оҳишта кетиб боряпти.

Ёши етмишдан ҳам ошиб, анчагина ҳаёт чигирқларидан ўтган, ўйчан. Унинг ички олами, қалбида кечаётган ҳиссиёт, ўй-хаёл, туйғулари тугўнига назар солаемиз. Шу ёшда одамзод қандай бўлиши керак? Қариянинг хаёл-тасавурлари қалб эшикларини пинҳона очиб, ичкарига мўралаймиз. Отахон ҳозир ўзининг кекса муаллим дўсти ҳақида ўйларди. “Тавба, ўзи бу одам пенсияга чиққан муаллим бўлса, нега одамлар уни бунча яхши кўради. Қачон қарана, уйнинг тўрида, иззат-икром, сийловда. Ҳа, тўғри, катта илми бор, мулойим, ширинсўз, камтар, аммо бунга ўхшаган муаллимлар камми? Нима сабабдан улар бу хилда ҳурмат-иззат қилинмайди. Ахир ўшаларнинг ҳам шоғирдлари бор. Орасида кўкси орден-медалларга тўла, хизмат кўрсатган халқ ўқитувчиларига

темир-терсақими? Айт-чи, кимсан? Яна денг, саводсизларга маҳаллақўм учун маълумотнома, аризалар ёзиб беради, бошига йўқ ердан гавро орттириб, қўйди-чикди рўзгор можароларини “бости-бости” қилади, чака маош олмас ҳам маҳалла йиғинларининг тўри шунки. Эҳ-ҳ, ҳозирги одамлар яхшиликни биладим, “еб қочар” бари”. Отахон жуда толиқиб, хонасидаги юмсоқ тўшагига эндигина чўзилган ҳам эдики, “Бўрини йўқласанг қулоғи кўринар” деган ҳикматнинг асли юз берди. Хонасида гойибдан тушгандек, ҳозиргина хаёлида турган кекса муаллим дўсти пайдо бўлди. - Менга қаранг, Пиримбой! - таҳдидсимон гапирди у салом-алиқдан сўнг. - Бир илтимос билан келдим ёнингизга, агар йўқ демасангиз. - Нима илтимос экан у, муаллимжон? Кекса муаллим бехоҳ босиқлик билан унга яқинлашди-да, қоқ юрагининг устига бармоқларини тақадди. - Илтимосим, мана шу ерингизни тазаланг, аввало! Мана шу ерингизни! Тушундингизми? - Мана шу ерим. Нимам у? Юрагимми?

Ҳар бир инсон ўзининг туғилиб ўсган маскани, она диёри билан фахрланади. Унинг ҳар бир қарич тупроғи, суви, дов-дарахтлари, ўт-ўланларигача битмас-туганмас муҳаббат билан ифтихор қилади. Она маскан ҳоҳ у тор кўчалардан иборат маҳалла, ҳоҳ кенг яйловлар ичидаги овул, ҳоҳ қир-адирлар орасидаги қишлоқ бўлсин, барибир ўша жойда туғилиб, вояга етган инсон учун азиз ва мўътабардир.

ТАРАҚШИДА

Пурвиқор Нурота тизма тоғларининг сўлим этагида, навқирон Фориш заминининг мафтункор адирлари орасида Гараша отлик қишлоқ бор. Гараша ўзининг тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятлари, асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаятган аъналарини, элда улугланган инсонлари билан машҳур бўлган қишлоқ. Ушбу масканда туғилиб ўсган инсонлар доимо ўз она маскани билан фахрланади.

Гараша қишлоғи тарихи XII асрда яшаган тарихий шахс, тасаввуф тарғиботи Яссавия тариқатининг йирик вакили Мавлоно Муҳаммад Шариф Грекушоҳ номи билан боғлиқ йирик хонақоҳ мавжуд. Хонақоҳ ҳам тахминан XII асрларда қурилган бўлиб, кейинчалик Мирзо Улугбек даврида гўмбазли шаклда ўрта аср архитектураси асосида мукамаллаштирилган. Тарихда гарашалик ва бошқа музофотлардан йиғилган тасаввуф алломалари ушбу хонақоҳда йиғилиб, илму маърифатдан мулоҳазалар ва бахслар олиб борганлар. Ҳозирда мазкур маскан муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади.

фарзандиман. Унинг шаънига бир бағишлов ёздим ва ундан айрим байтларни “Зарафшон” муштарийларига илиндим.

Асрлардан қолган буюқ ҳикоят, Улугдир Грекушоҳ даҳоси ғоят.

Қолдирди тарихда Шариф деган ном, Авлодлар наздида кутлуг зўр калом.

Мавлоно Муҳаммад Шариф Грекушоҳ, Маърифат бобида қолдирди зўр боғ.

Ҳазрат Яссавийнинг шоғирди - шароф, Бу тариқат аҳлига келтургуси наф.

Ё Аллоҳ деб кирди тандирга ул мард, Чикди шоғирд оловдан юкмайн ҳеч гард.

Берди устоз шоғирдга авлиёлик рутбасин, Кийдирди пири муршид нурли хирқасин.

Мувофиқ бўлди бунда роҳи маънавий, Оқ фотиҳа берди Ҳазрат Яссавий.

Агар юрсанг, ўнг сўлга қир оша, Бир ён Самарқанду, бирён Нурота.

Мавлоно ҳассасин ерга урган чоғ, Пайдо бўлди гўшада муқаддас булоқ.

Яшнаб кетди замин гўёки баҳор, Нуротадан нур олди файзли Жондохор.

Шариат йўлида чекди зўр захмат, Мусулмон қавмида ул “Кутбул миллат”.

Тариқат рукнини тутди мустақкам, Маърифат байроғи кўлида маҳкам.

Эл-улусни диёнатдан этиш-чун оғоҳ, Гараша заминда қурди хонақоҳ.

Хонақоҳда жам бўлди аҳли тариқат, Элға раво бўлди юксак маърифат.

Тариқат аҳлини чорлар бағрига, Аҳли илм йиғилур зиё шахрига.

Маънавият йўлида зўр қудрат, Ҳиммат, Авлодларга мерос қолди юксак маърифат.

Ақбар САЙТҚОСИМОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

“САДО” мақом ансамбли туманларда

Каттакўрғон туманидаги Каттаминг қишлоғида жойлашган 30-болалар мусиқа ва санъат мактабида Самарқанд шаҳридаги “Садо” мақом ансамблининг концерти намойиш этилди.

Концерт дастурларимиз орқали миллий мумтоз мусиқамизни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган фуқароларимиз қалбига синдиришни мақсад қилганмиз, - дейди ансамбль раҳбари Исмоил Ибодов. - Шунингдек, санъат мактаби ёшлари келажакда мактабни тугатиб, санъат йўналишида таълим олишни давом эттириши ва ансамблимиздаги тажрибали устозлардан мумтоз мусиқа сирларини ўрганишини истардим.

Шаҳринисо ҚУРБОНОВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР
6 ИЮНЬ Абдурашид ЭР-ГАСHEB - 1941 йилда Қўқонда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.
7 ИЮНЬ Абдурахим СОЛИЕВ - (1939-2021) Фориш туманида туғилган. Филология фанлари доктори, шоир.
12 ИЮНЬ Мансур НОСИРОВ - 1936 йилда Самарқанд туманида туғилган. Қуллол. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.
14 ИЮНЬ Иззатулла НУРИДДИНОВ - 1951 йилда Каттакўрғон туманида туғилган. Физика фанлари доктори, профессор.

MATBUOT UYI Zarafshon Samarqandский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 309 nusxada chop etildi. Buyurtma 357. Hajmi 2 bosma taqob, bichimi A-2
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: X.ERNAKOVA.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

ISSN-201667X
Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling
Sotuvda narxi kelishilgan holda